



Hurriyat


Mustaqil gazeta

Барчамиз яхши тушунамизки, бугунги шиддатли замон барча сохалар қаторида таълим-тарбия тизимини ривожлантириш бўйича ҳам олдимизга ғоят муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 30-sentabr, chorshanba * № 34 (1198)

СИЗДАН ЎРНАК ОЛСАЛАР...



Уч жилдик "Хоразм" романи Тошкентда ва Москвада минглаб нусхаларда чоп қилинган. Утмишинг сохта тасвирлари ҳали аллақайси бурчакларда ётибди; кўпчиликини чалғитган ўша китоблар... Эндилқда Сизга ўхшаган тарихнавислар ёш авлод руҳиятида улуг аждодлар тарихига нисбатан меҳру муҳаббат уйғотмоқдалар. Бу эса айни ватанпарварликнинг, миллатпарварликнинг ўзидир. ➔ 3-бет

МАСЪУЛИЯТНИ БИЛМАЙДИГАН МАСЪУЛЛАР



Республика марказий нашрлари бўлмиш газета ва журналлар эса аниқ манбаларга асосланиб, фактларга асосланган ҳолис маълумотларни чоп этишади. Ҳақиқатда амалга оширилган ёки лойиҳалаш арафасидаги хабарларни, маълумотларни материал қилиб, ўз нашрида чоп этиб, ўқувчисига тақдим қилишади. Энг муҳими, уларда амалдаги қонун олдида жавобгарлик масъулияти бор. ➔ 4-бет

ГАЙБ ҲАҚИ



Болалигимизни эслайман. Онам раҳматли ширмой нонлар ёпардилар-да, энг чиройли бўлиб пишган нонни қўшнига илинардилар. Ўша пайтларда ҳам шароити огирроқ, эҳтиёжманд оилалар бор эди. Баъзан "бироз ёғ беринг", "бир пиёлча гуруч беринг", деб келадианларни ҳеч қачон эшиқдан қуруқ қайтармаганлар, асосийси, огриммаганлар. ➔ 8-бет

ФАХР

Жаҳон минбаридан янграган она тилим!

Тил – миллатнинг ўзига хослигини белгиловчи восита, қимматини молу дунё билан ўлчаб бўлмайдиган хазина. Ва, ҳеч муболагасиз, тил ҳар бир миллатнинг маънавий ватандир. Тил шундай бир ватандирки, у бой берилса, на миллат қолади, на давлат.

Президентимизнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда шундай жумла бор: "Дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат, аввало, ўз халқининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади". Бу гапларнинг амалдаги исботини эса Юртбошимизнинг шу йил 23 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи она тилимизда янграган пайтда ҳар биримиз ич-ичимиздан ҳис қилиб турдик.

Албатта, ҳар бир элда миллий тилнинг борлиги — миллат барҳаётлигининг кафолати ҳисобланади. Қадимдан маълум, бир халқни қарам қилиш пайида бўлганлар унумдор тупроқларини тортиб олиш билан чекланмаганлар, балки уларнинг тилини ҳам бўйсундиришга уринганлар. Сабаби аниқ: юртини йўқотган миллатлар яна бир куни уни қайтариб олишлари ёки бошқа маконларда янгидан Ватан барпо қилишлари мумкин. Худди бунга мисоллар бисёр. Аммо тилини йўқотган халқлар бору будидан, ўзлигидан ҳам айрилишга маҳкумдилар.



1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири


Муаллимларга

Нечо бахтиёрман, таъзимда шу тоб,
Сизнинг шаънингизга битмоқдаман байт.
Не одам бўлардим, қўлимда китоб
Бирор ҳарф танитай турсайдим лоқайд.

Сиз-ку "Алифбо"дан "Қомус"гача то
Бари-барисини танитган устоз.
Илк бор Сиз кўрсатган дўрахшон Зухро,
Бу кун шеърим ичра ташбихдир мумтоз.

Сиз мўъжаз юракда ёқолган ёғду,
Оқибат кўёшдек соча олур нур.
Буюклар ҳақиқига қасамёд гап бу:
Сиздан бошланади асли Тафаккур!

Оламда кўп эрур муборак онлар,
Табаррук зотлар ҳам гарчанд кўп эрур.
Сизгадир илк раҳмат азиз инсонлар,
Мунис муаллимлар сизга ташаккур!




Бухоролик Муҳаррам Камолова Жондор туманидаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида она тили ва адабиёти фанидан сабоқ беради.

Ўзига хос педагогик маҳорати билан дарс самарадорлигини ошираётган муаллима шунингдек, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, фан тўғараклари ва клублар фаолиятини олиб боришда фаоллик кўрсатмоқда. Муҳаррам Камолова "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этган, "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

ҲАЙРАТ

"Менсиз яшолмайди бу оппоқ дафтар"



Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг "Аламли дунёда аламли гулим" китобини ўқиб...

Болалигимдан оппоқ рангларни яхши кўраман. Нега дейсизми? Ростини айтсам, бу саволингизга аниқ жавоб бера олмайдим. Фақат тусмолларим бор. Мен туғилган қишлоқ – Хужайилмикони ён-атрофи тоғлару қирларга туташиб кетган сўлим, жаннатмонанд гўша. Ўша тоғларнинг бошидаги қорлар қишин-ёзин оппоқ бўлиб туради. Оппоқ булутларга елка тугиб турган тоғларга ҳамisha ҳавасим келган. Осмонни тўлдириб турган булутлар оққушларга ўхшайди. Азим оппоқ сочили мўсафид тоғлар билан оққушлар – булутлар сассиз сўхбатлар қураётгандек туюлаверади. Оппоқ сўхбатлар... Қайдам, оқ рангени яхши кўришимга шу манзаралар сабабдир.

Бобом раҳматининг эғнида ҳамisha оппоқ желак, бошида оппоқ салла бўларди. Тегирмончилик қилар эди. Ун тортган пайтларида қоши, киприги, соқоли оппоқ бўлиб кетар эди. Ўша иш жойида оқ муқо-

вали китоби бор эди. Озгина бўш қолди дегунча кўлига китобини олиб ўқирди. Албатта, олти-етти яшар болакай бобосининг нима ўқитганини қайдан билсин. Аммо у китоб ўқитган пайтда шундай бир нуруний зотга айланиб кетар эдики, биз набиралар ҳеч нарсга тушунмасак ҳам олдидадан бир қадам нари кетолмай қолар эдик. Худди эртақларда таърифланадиган сеҳргар бобо келгану гўёки бизни сеҳрлаб қўйган. Эҳтимол, қалбимда оқ рангга бўлган муҳаббат ана ўша пайтларда пайдо бўлгандир.

Дадам раҳматли бутун умрини хаста жонларга шифо бағишлашга сарф айлади. Барча шифокорлар каби оппоқ халат кийиб олар эди. Олдига нажот излаб келган бирор бемор ноумид бўлиб чиқиб кетмаган. Кўнгли ҳам, мақсаду мудаоси ҳам, сўзлари ҳам оқ эди у кишининг. Дарддан қора тортган дардманд кўнглилар унинг муолажаси билан кундай нурафшон бўлиб кетарди.



ДИЛДАГИ ГАП

"Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин".

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонунининг (янги таҳрири) 20-моддаси.

ЎЗБЕК ЎЗИ БЕКДАЙ БЎЛСА-ДА!

Не ҳасратда авайлаб ўстирган боласининг ҳарбий хизматдан тили ажнабийлашиб қайтгандан кўни-кўшни олдида хижолат бўлган қанча оналарнинг кўнгли бузилиб: "Бу ўрис ўлгур боламнинг туппа-тузуқ тилгасини бузиб, элига бегона қилиб қайтарибди-я", дея ёзгирганларини ҳозирги ёшлар қайдан билсин...

Мактабда устозимиз Мамлакат ая бизга: "Дунёда нечта тил бўлса, ҳаммасининг гапида бош бўлақлар – "эга" ва "кесим", "иккинчи даражали бўлақлар" бўлади... Фақат гапнинг эмас, тилнинг ҳам эгаси бўлиши керак... Ким ўз она тилини яхши билса, у бошқа хорижий тилларни ҳам осон ўзлаштиради..."

Онанинг сенга қанчалар хайрихоҳ бўлса, она тилинг ҳам худди шундай – сенинг таянчинг бўлади...". деб ўқитганига мана, қарийб қирқ йил бўлибди.



ШУНДАЙ ДЕДИ



Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ,
Санитария-эпидемиология оёсийишталги агентлиги директори, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари:

Ўзбекистонга Хитойнинг икита компанияси вакциналарини олиб келиш ва клиник синовларнинг учинчи босқичида иштирок этиш режалаштирилмоқда. Кейин эса бу вакциналарни бизда ишлаб чиқариш масаласи қўйлади, бу импортнинг қисқаришига олиб келади, бунинг устига биз уларни қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қила оламиз.



ЎЗБЕК ЎЗИ БЕКДАЙ БЎЛСА-ДА!

Тўғри айтган экан. Ўзимдан қиёс. Уша — гада "эга" ва "ке-сим" вазифасида келадиган сўз туркумлари — "ОТ" нинг келишиклари бўйича турланишини, "ФЕЪЛ" нинг шахс ва сонда, яна замоналар бўйича ҳам турланишини ва ҳоказо билимларни яхшилаб ўзлаштириб олганим яхши бўлган экан.
Яширмайман, шунинг ортидан салкам ўттиз йилдан бери рўзгор тебратяман. Ҳозир эҳтижимга яраша икки-учта хорижий тилда ҳам "нон топа оламан", ҳарҳолда.
Яна бир икоримни ҳам айтиб ўтай — ёши 75га қараб кетаётганига қарамай, битта "семиз" китоб мутолаасини узоғи билан бир ҳафтада интихолойдиган онам ҳалигача суҳбатларимизда ҳаммамизнинг, ҳатто набираларининг ҳам, ифода-ю изофаларимизга тахрирлаб турадилар, беэзоргина. Мулла Абдурахмон турломанинг невараси ўлароқ хат-саводи ҳаялламай чиққанидан бери 70 йилда қўлидан ўтган китоблардан олган таассуротларини тинглаб ўтиришнинг ўзи бир олам завқ беради кишига. Азбаройи тасавурулари бойлигидан ер юзининг исталган жойини табиатидан тортиб одамларнинг характеридагуна шунақанги аниқ тасвирлаб берадиларки, эшитган одам ҳудди бу онахон ҳозиргина ўша ердан келибди-да, деган ҳаёлга бориши ҳеч гапмас.
Кўни-қўшни, қариндош-уруғлардан бирортасининг турмушида муаммо чиқиб, ўй-хаёлида "хаёт бошқа, китоб бошқа экан-да" деган ҳулоса айланиб қолса, ҳеч иккиланмай онаминг маънавиятига келади. Ва табиикки, бундай "ҳақиқат" бир зумда "синдири" Онам ҳаётини ҳудди китобдагидай қилиб, керак бўлса, эртаклар-



Тошкент шаҳар маркази. А.Навоий кўчасидан кўриниш.

дагидек қилиб йўлга солиб юборади. Дам-дахил (охирати обод бўлсин!) ҳам қандайдир оилавий масалада бирор маслаҳат онам айтганидай ҳал бўлаверса, "Ҳа, сенинг билганинг-билган, ҳамма нарсани тушунадиган хотинсан. Шу, омон бўлгур, тушунтиришинг ҳам чакимас-да", деб кўярди гоҳида...
Уэр, бироз чалгидим. Бунинг сабаби бор.
"Хурият"га, деб бир мақола ёзиб, тахририятга олиб келувдим.
Унда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси билан Боғлиқ тарихий ҳодисага доир таассуротларимни, "Ўзбек тили аввало давлат тили экани, миллат тарихи ва маданиятининг асоси сифатида қадрланиши, ҳозирда дунё бўйича қариб 50 миллион кишининг она тили сифатида

хориждаги ватандошларнинг ҳам этномаданый ўзлигини намоён этиб келаётгани, ҳар қандай воқеа-ҳодисани, табиий ва ижтимоий жараёнларни, ҳис-туйғуларни ифода ва изҳор этиш имкониятларининг муқамаллиги каби ноёб хусусиятлари" борасидаги фикрларимни баҳоли кудрат айтишга уринган эдим.
Мақолама яна "Ўзбек тили юз йиллардан бери 130дан ортиқ миллат ва эланинг ўзaro тотув умргузаронлик қилишини таъминлаб келаётган чин байналмилал тил эканини, бу тил ўзбекнинг ўзидай бағрикенглиги" ҳақида ёзгандим.
PS. Исталган хорижий давлатнинг пойтахт шаҳарларида тижорат баннерлари ёки одамларнинг кўзи тушадиган ерда биттагина ўзбекча сўзни ишлатиш — сиёсий воқеа саналади! Ва бу деярли имконсиз иш. Бордию бунга аҳд қилинса, эвазига анча ҳаракат ва ҳаражат қилиш керак! Ўзи инсоф берсин, ўзбекка!

Ўзбек тили ўзининг она тили бўла туриб, бошқа тилда мулоқот қилишни афзал кўрадиган миллатдошларимни таҳлил қилишга ҳам уринган эдим.
Муҳими, мустақил ўрганишларим асосида "Ўзбек тилини ўрганиш — умуминсоний маданий турфаҳилликнинг қадимий илдиэларини теран англаш, одамзоднинг яна бир бетакорор феъл-атворини кашф қилиш, асрлар мобайнида буюк бунёдкорлик кудратининг чашмаси бўлган ноёб бир миллий характери ҳис этишининг энг зўр йўли экани"ни исботлашга тиришган эдим.
Нимаики ишлатилмас у албатта яроқсиз бўлиб қолади, деган мантиққа асосланиб, "токи биз ўз тилимизни фаол ва тўғри қўлламас эканмиз, унинг истеъмолдан чиқишига томошабин бўлиб туравершимиз"ни айтмоқчи бўлгандим, мақолада...
Тахририятга киришдан олдин мақола-ни "бойтадиган" битта бўлсам сурат олай, деб кўчанинг қарама-қарши томонига қараганимни биламан. Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрининг Алишер Навоий кўчасида турганимга бирдан шубҳа пайдо бўлди менда. Кўзларимга ишонмадим. Анчиниб кетдим, ўзимга — ЎЗБЕККА! Суратга олдим.
Мақоланинг ўрнига тахририятдан пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бири, буюк бобомиз Алишер Навоий номи билан аталувчи кўчадан олинган бир суратни чоп этишларини сўраб, қайтдим...

Фохридин КАРИМОВ.



ЎЗБЕКИСТОН: Осиё-Тинч океанида етакчи

Бугунги кунда дунёда тўғридан-тўғри интеллектуал, ахборот, моддий-техник ва молиявий ресурсларни фаоллаштириш, шунингдек, рақобатбардор, тижорат учун истиқболли илмий ишланмаларни илгари суриш мақсадида яратилган кўпжақ инновацион марказлар мавжуди, уларнинг асосий мақсади илм-фан ва ишлаб чиқаришни, ишчи борица, уйғунлаштиришдан иборат бўлиб, бу йўлда илм талаб қиладиган маҳсулотлар бозорини ривожлантириш ва илмий тадқиқотларни тижоратлаштиришни қўзлаган ҳолда саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон ўз тараққийотининг асосий мезони сифатида инновацион ривожланиш стратегиясини танлади. Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши бу йўналишдаги дастлабки қадамлардан бири бўлганини алоҳида эътироф этиш керак.
Инновационлар замонавий иқтисодиётда узоқ муддатли рақобатбардорлиқни таъминлашнинг асосий омилли ҳисобланади. Айти пайтда, дунёнинг барча иқтисодий ривожланган мамлакатларида миллий иқтисодиётнинг самарали ривожланишида инновацион фаолият асосий аҳамият касб этмоқда. Илм-фан натижаларини тижоратлаштириш эса инновацион фаолиятнинг асоси ҳисобланади.
Айти шу мақсадларда Инновацион ривожланиш вазирлиги хузурида Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий Маркази ташкил этилди. Марказ фаолиятининг асосий йўналиши ҳам илм-фан натижаларини тижоратлаштиришдан иборат бўлиб, асосий мақсад юртимиз илмий салоҳиятини иқтисодиётнинг самарали ривожланишига хизмат қилувчи бир механизм ишлаб чиқишга йўналтиришдир.
Инновационлар учун асосий замин олий таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасалари ҳисобланади. Айтиан ушбу марказларда инновацион лойиҳалар пайдо бўлади ва амалиётга жорий этилади. (Биргина мисол АҚШнинг Массачусетс технологиялар институтиди ҳар йили ўртача 150 га яқин инновацион бирлашмалар яратилади).

Маъруфжон Юлдашев,
Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлигининг давлат тили бўйича маънавият, филология фаълари доктори.

Жаҳон минбарида янграган она тилим!

Буюк маърифатпарвар бобомиз Маъмуҳдўжа Бехбудий айтганларидек: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойнаийи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллат руҳини йўқотмаклиқдур".
Миллий руҳ йўқолмаслиги, келгуси авлодларга безавол этиб бормоғи учун тилимизни асраб-авайлашимиз ва мунтазам ривожига эришмоғимиз лозим. Шундагина боболардан мерос миллий қадриятларимиз, ўлмас аънава ва миллий маданиятимиз тил орқали келажақ

авлодларга етиб боради. Шунинг учун ҳам, давлатимиз раҳбарининг нуфузли анжуманда ўзбек тилида маъруза қилишининг ўзи тарихий воқеа бўлди. Бу ҳақидаги хабарни эшитган онимиздан ҳаммамиз ҳам бу қутлуг кунни интиқиб кутдик. Нега? Ахир она тилимиз — ўзбек тили (онлайн тарзда бўлса ҳам) дунё минбарига чиқди. Ушбу нутқ дунёнинг турли давлатларида яшаётган ўзбекларни, Ўзбекистонга дахлдорлик ҳисси билан яшаётган инсонларни маънан бирлаштирди, десак муволага бўлмайди. Чунки бу тарихий ҳодисани нафақат юртношла-

римиз, балки хориждаги хайрихоҳ дўстларимиз, тилдошу қондошларимиз ҳам беҳад қувонч билан кутиб олишди.
Хусусан, дунёнинг қатор нуфузли нашрлари мақолалар чоп қилди. Уларда "Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев БМТнинг юксак минбаридан Навоий тилида дунё ҳамжамиятини ҳамкорлик ва бирдамликка даъват қилди", дейилди.
Мазкур нутқ чуқур ўйланган-лиги, теран мазмуни, амалий аҳамияти, янги гояларга, ташаббусларга бойлиги ва гоят долзарб муаммоларни ўзида ифода этганлиги билан тарихий нутқ сифатида эъти-

роф ва эҳтиромга муносиб. Бу нутқ ҳали тақрор-тақрор ўқилади ва унда кўтарилган масалалар теран таҳлил қилинади, янги-янги ҳулосалар, сабоқлар чиқарилади. Ҳозирча шунки катта мамуният билан айтишимиз мумкинки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минбаридан ўзбек тилида янграган тарихий нутқ она тилимизнинг давлат тили сифатидаги нуфузи ва ривожини таъминлашда том маънода янги даврни бошлаб бери.
Эндиликда Президентимиз таъкидлаб айтганларидек: "Ҳар бимимиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўл-

ган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз керак. Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак".

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ЯНГИ ҚУВАСОЙНИНГ ҚАДИМ ШАМОЛИ

Қувасой шахри — Фарғона водийси текислигида жойлашган бўлиб, шимолий томони Фарғона вилоятининг Қува, Тошлоқ туманлари билан, жанубий эса Ғарбий томонлари Фарғона шахри ва Фарғона туманлари, шарқий ҳудуди эса Қирғизистон Республикасининг Баткен вилояти, Қизил-қия шахри билан чегарадошдир.
Ҳозирда шахар миқёсига 5 та йирик саноат корхоналари: "Қувасойцемент" АЖ, "Кварц" АЖ, "QUVASOY SHIFER HRIZOTIL" МЧЖ, "Электроқийлоққурилиш" корхонаси, "FERGANACEMENT" МЧЖ корхоналари фаолият юрлатади.
Саноат корхоналарида асосан цемент, шифер, қурилиш ойналари, темир-бетон маҳсулотлари ва ишиа идишлар ишлаб чиқарилади.



логияси тўла қувватда ишлаб бошлади, — деди Равшанбек Раҳимжонов.
Ҳозирда бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинади. Энг муҳими, тайёр маҳсулот жаҳон стандартлари даражасида бўлгани боис Мадрид (1994), Женева (1999), Франкфуртмат (2004) кўрик-танловларида "Сифат учун олтин юлдуз" даражаси билан тақдирланган.

Қувасойнинг замини бўз тўпроқ ва тошлоқликдан иборат, ўсимлик дунёси ва ҳайвонот олами ранг-баранг. Бундан ташқари, Олой тоғ тизмаларида бошлаб, шахар марказидан оқиб ўтадиган Исфайрамсой дарёси шахар кўрига-кўрқ қўшиб туради.
— Қувасой ҳақидаги илк маълумотлар XIV асрдаги манбаларда учрайди. "Қувасой" сўзининг пайдо бўлиши тўғрисида турли тахминлар мавжуд. Шаҳар XX аср бошларигача Муян номи билан юритилган. Бунга сабаб қишлоқ яқинида Муян тоғ тизмалари жойлашган. Аҳолиси унчалик зич эмас, балки тароқ қишлоқларда яшаган. Аммо жойлашуви икки ми ута шаффоф, ерлари серунум, шунингдек, тоғ турли маданларга бой бўлгани боис Фарғона шахри ва Муян шаҳарчасини боғлаб тураувчи темирйўл қурилган. Шу тариқа, Исфайрамсой дарёси бўйидаги поезд тўхтайдиган бекатга "Қувасой" номи берилган.
Соёқ иттифок давридаёқ бу ерда ишлаб чиқариш корхоналари қурила бошланган. Муян саноатлаша бошлагач, 1954 йилда Қувасой ишчилар шахарчасига — шахар мақоми берилган. Шундай қилиб, мавжуд корхона ва заводларни ривожлантириш, янгиларини қуриш бош режага киритилади.
Қувасойда оҳак заводи, иссиқлик таъ-

миноти (ГРЭС), цемент заводи, гишт заводи, шифер заводи, кимё заводи, қулай табиий шароит, оҳактош, ганч ва турли хил гипсояларга бой конлар, Қувасой орқали ўтган темир йўл, буларнинг ҳаммаси йирик саноат марказининг вужудга келишига замин тайёрлаган, — дейди биз билан суҳбатда Қувасой шахар ҳокими Равшанбек Раҳимжонов.
Кейинчалик, яъни 1958 йилда оҳак заводи шифер ишлаб чиқариш корхонаси билан бирлаштирилиб, "Қувасой цемент" бирлашган корхонасига айлантирилади. Мамлакат учун энг керакли ва харидор-гир бўлган шифер ишлаб чиқариши тақомиллаштириш мақсадида 1974-1976 йилларда эски қолипаш машиналари ўрнига, янги автоматик линиялар ўрнатилди. Корхона 1995 йил август ойига келиб акциядорлик жамияти сифатида фаолият юрота бошлади. Истиқлол шарафати билан корхона цехларига энг замонавий технологиялар ўрнатилди.
Логон оҳактош кони ўзлаштирилишига сабаб, 1998 йилдан қайта ишланган рудалардан олтин ажратиб оладиган "Зарафшон-Ньюмонт" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил этилганда эди. Қўшма корхона эҳтиёжи учун ҳамда маҳкам миқёсда иссиқлик электр марказларида сувнинг қаттиқлигини йўқотадиган туйилган оҳак ишлаб чиқариш техно-

лологияси тўла қувватда ишлаб бошлади, — деди Равшанбек Раҳимжонов.
Ҳозирда бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинади. Энг муҳими, тайёр маҳсулот жаҳон стандартлари даражасида бўлгани боис Мадрид (1994), Женева (1999), Франкфуртмат (2004) кўрик-танловларида "Сифат учун олтин юлдуз" даражаси билан тақдирланган.
Шаҳардаги иккинчи йирик корхона "Кварц" АЖ 1975 йилда ишга туширилган. Лист кўринишидаги рангли, қорайтирилган ва тобланган ойна, шиша банкчалари ва бутилкалар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиё ҳудудидаги энг йирик корхоналардан биридир. Тайёр маҳсулотлари ички бозорни тўлиқ таъминлайди ҳамда хорижга экспорт қилинади. Корхона ҳудудида 5 та асосий ва 9 та ёрдамчи цехлар жойлашган.
2010 йилда "Кварц" АЖ бўянган мис ойналарини ишлаб чиқариши ўзлаштирди. Олдин бундай ойна юртимизга Хитой, Россия, Туркиядан келтирилган эди. Кейинги йилларда "Елпхат" (Германия), "Текинт" (Италия) ва бошқа хорижий фирмалардан замонавий қурилмаларни келтирилиши билан корхонада юқори сифатли, жаҳон стандартларига мос янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкони тугилди. Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотининг юқори сифати учун "Ғалаба чамбарағи" ва "Олтин сиртлон" каби халқаро мукофотларни қўлга киритди.
Шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотларни четта экспорт қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Натижада корхоналар томонидан мазкур йилнинг шу кунга қадар 14 миллион 962 минг АҚШ доллари миқдориди саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 6 миллион 500 минг АҚШ долларига кўп демакдир.
Қувасой шахрида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳолига электр энергияси, табиий ва балангли газ, шунингдек, кўмир ёқилғисини ўз вақтида етказиб бериш бўйича тегишли чора-тадбирлар ҳам амалга оширилиб, куз-киш мавсумига тайёр-гарлик ишларига катта эътибор қаратилган.
Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга таширфлари давомида берган топшириқлари бўйича қабул қилинган "Йўл харита"си ижросини таъминлаш чоралари қўрилмоқда. Шаҳар мутасаддиларининг мақсади ҳам, Президентимиз таъбирлари билан айтганда, халқимизни рози қилиш. Шаҳарни барча соҳаларда мамлакат миқёсда четта экспорт қилиш салоҳиятини ошириш, энг муҳими, шахар инфратузилмасини тубдан яхшилаб, гуллаб-яшнаган маконга айлантиришдан иборат.
Маъруфа СОЛИЕВА,
"Hurriyat" мухбири.

Халқаро кўргазмалар инновацион даражани халқаро майдонда намоийш этишининг яна бир самарали усули саналади. Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар бўйича Республика ярмаркалари доирасида 2016 ва 2017 йилларда 8 миллион АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланган бўлса, 2018 ва 2019 йиллар "InnoWeek.Uz" халқаро инновацион гоялар ҳафталиги доирасида ташкил этилган тадбирларда умумий ҳисобда 330 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция шартномалари имзоланди.
Халқаро тажриба шунки кўрсатмоқдаки, технологиялар трансфери инновацион фаолиятнинг асосларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда олиб борилган амалий ҳаракатлар натижасида 2019 йилда Ўзбекистон Осиё ва Тинч океани ҳудуди бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг Осиё-Тинч океани технологиялар трансфери маркази (ОТТМ) ёзғолишига қабул қилинди.
Бутун дунёда коронавирус пандемияси тўғрисида давом этаётган эпидемиологик вазият аввалдан белгиланган режаларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шунга қарамай, Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошланган амалий ҳаракатларни илчил давом эттириши ва бу орқали юртимизнинг инновацион салоҳиятини кўтаришида ўз ҳиссасини қўшади.
Шаҳобиддин ШАРИПОВ,
Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги
Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий
Маркази директори.



Юртимизда таълим-тарбия соҳасида фидойилик кўрсатиб келаётган шарафли касб эгалари бўлган барча устозларни **1 ОКТАБРЪ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ** билан табриклаймиз!
Машаққатли меҳнатингизни роҳатини кўринг.



АТБ “ТУРОН БАНК” жамоаси

Реклама ҳуқуқи асосида.



AGROBANK



“АГРОБАНК” АТБ жамоаси

барча устозларни

1 ОКТАБРЪ —

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР

куни билан чин дилдан табриклайди.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,

бахт-саодат, омад ва оилавий

хотиржамлик тилайди.

Ёш авлоднинг таълим-тарбияси

йўлидаги эзгу ишларингизда улкан

ютуқлар ҳамроҳ бўлсин.

5+

ОКТАБР

0 1



ШАФФОФЛИК

“Микрокредит-банк” АТБ тизимида коррупцияга қарши курашиш тамойили тубдан қайта кўриб чиқилмоқда. Эндиликда етакчи банклар томонидан қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ янги тартибда ишлайдиган антикоррупцион тизим жорий қилиниб, фақатгина Банк кенгашига бўйсунадиган, мустақил тузилма фаолияти йўлга қўйилмоқда.



“МИКРОКРЕДИТБАНК”:

**ЯНГИ ТИЗИМ,
ЯНГИЧА ЁНДАШУВ**

Тузилма “Микрокредитбанк” тизимида ҳалоллик стандартларини жорий этиш, яъни коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратади. Бунда ҳодимлар зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш устувор вазифа қилиб олинган.

Корпоратив маданият коррупцияга қарши курашишнинг муҳим жиҳати ҳисобланиб, у ходимда одоб-ахлоқ, масъулият ва ҳалолликни тарбиялаши керак.


Президентимиз жорий йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида коррупцияга қарши жамиятнинг барча аъзолари “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас ва коррупциянинг барвақт олдини олишга ўтилмас экан, ўз олдидимизга қўйган юсак марраларга эриша олмастимизни таъкидлаган эди.

Яширишга ҳожат йўқ, ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиёти ва кредит-молия тизимида ҳам ноқулай ички ва ташқи омиллар сабаб бўлган инқироз тенденциялари сақлаб қолинмоқда. Афсуски, коррупция иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатадиган кучли иллатлардан биридир. Бу жараёнда банк тизимлари ҳам истисно эмас.

Дарҳақиқат, банк ва молия-кредит соҳаларидаги коррупцияга қарши курашиш воситалари турлича бўлиши мумкин. Ушбу механизмда кредит ташкилотларининг ички хавфсизлик хизматлари ва хатарларини бошқариш, уларнинг айрим ходимлар томонидан йўл қўйилган коррупция ҳолатларини зудлик билан очиқлаш қобилиятлари, шу жумладан, энг юқори даражадаги банк бошқаруви муҳим роль ўйнайди.

Афсуски, ҳозиргача банк тизимида коррупцияга қарши ҳуқуқий тартибга солиш етарли даражада ривожланган эмас. Бундан ташқари, ушбу соҳадаги воситалар асосан коррупция ҳолатларини йўқ қилишга эмас, балки уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган.

Бундай ҳолатлар барқарорлик ва самардорликни ошириш мақсадида банк тизимидаги коррупцияни енгишнинг таъсирчан ва самарали механизмларини излаш, татбиқ этиш ва синовдан ўтказиш долзарблигини тасдиқлайди. Шу сабабдан ҳам, “Микрокредитбанк” тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича янги тизимнинг жорий қилиниши, юқоридаги каби муаммоларнинг юзага келишини олдини олади.




Ушбу йўналишда банк тизимида юридик аудит — “due diligence” тизимини жорий этиш ва ҳуқуқий экспертиза ишларини янада такомиллаштириш ҳамда юридик хизмат ходимларини малакасини ошириш, хусусан, комплаенс назорат ва юридик аудит — “due diligence” тизими соҳасида махсус билим ва кўникмаларни шакллантириш юзасидан ўқув курсларини ташкиллаштириш йўлга қўйилмоқда.

Қайд этиш керакки, эҳтимоли бор хавф-хатарларни бартараф этиш учун коррупцияга қарши курашиш соҳасида зарур функцияларни амалга оширувчи ходимлардан соҳа бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишларини тақозо этади.

Жаҳонгир МАКСУДОВ,
“Микрокредитбанк” АТБ юридик
хизмат департаменти директори.

Қўлимга ёпишиб қолади гуллар



Мухиддин АБДУСАМАД

Муаллиф ҳақида:
Мухиддин Абдусамед — 1982 йилда туғилган. 2005 йили бўлиб ўтган IX анъанавий Зомин анжумани галиби. "Она-жон", "У" деб номланган шеърый тўпламлари нашр этилган. "Ешлар китоби 2008" ҳамда Озарбайжонда нашр этилган "Севги фасли" тўпламлариға шеърлари киртилган.

САЎБИЖОЎЗ

Сангинсиз ман, билмам, кимман —
юрагимда турди оғриқ,
Кафтларимда тўлиб уммон —
тилагимда турди оғриқ.

Тўрт тарафим кенг нимарса,
саробларга тенг нимарса.
Қўлим чўзиб енг шимарсам —
благимда турди оғриқ.

Юрак тепар қобиргамни,
ўлар... ўлар... ўлар гамни...
Жон дегани соб бўлганми —
суягимда турди оғриқ.

Бир йўлгини даёр билсам,
шу йўлгинда сайр қилсам.
Адашсам-у, сал қайрилсам —
курагимда турди оғриқ.

Сангинсиз ман, билмам, кимман —
юрагимда турди оғриқ,
Кафтларимдан тошиб уммон —
тилагимда турди оғриқ.

Маним кўзим ёмон. Ичим фох этар,
Сани кўп соғиниб жисмим ёш этар.
Узинг бир таълим бер жисму жонима,
Висолинг руҳимни хўп ювош этар.

ва яна тиллосин йўқотиб осмон,
ва яна шаррослаб йиғласа ёмғир
ва яна муҳаббат бўлиб саргардон
ва яна жизиллаб тинмас бағир

ва яна намиққан жиққа тушларим
ва яна ивиган кўзининг сурати
ва яна илқингни илқис ушладим
ва яна ўпмоққа етмас журъатим
ва яна...

Тошлар ёгаяпти,
ёшлар оқаяпти...
...юрагимга ғилоф тикиб бер...

Кипригимга кўниб турган қор —
қайиради дилимни,
айиради дилимни...
...юрагимга ғилоф тикиб бер...

Чўнтагим йиртиғидай
сўкилади умр,
тўкилади умр
чўнтагим йиртиғидан...
...юрагимга ғилоф тикиб бер...

Кўзимда ўт олар ўтинчим —
сен ҳам,
мен ҳам ўткинчи...
...юрагимга ғилоф тикиб бер...

ҲАЯЖОҲ

Сенга атаб олган гулларни
Учрашганда бермайман сенга —
Қўлимга ёпишиб қолади гуллар...
Қўлимга ёпишиб қолади...
Қўлимга ёпишиб...
Қўлимга...

Сенга атай тузган сўзларни
Учрашганда айтмайман сенга —
Тилимга ёпишиб қолади сўзлар...
Тилимга ёпишиб қолади...
Тилимга ёпишиб...
Тилимга...

Хаёл билан қайтаман ортага,
Хаёл билан қайтаман аста —
Дилимга ёпишиб қолади исминг...
Дилимга ёпишиб қолади...
Дилимга ёпишиб...
Дилимга...

Йўлларимиз ҳижрон рангида,
тоғлар пайдо бўла бошлайди.
Кўзим юсам, кўзим ўнгида
боғлар пайдо бўла бошлайди.

Фақат сёну мен биладиган,
фақат мёну сен биладиган,
иккаламиз тенг биладиган
чоғлар пайдо бўла бошлайди.

Нозик жойим билар кипригинг —
юрагимни тилар кипригинг.
О, нималар қилар кипригинг —
доғлар пайдо бўла бошлайди.

Десам бунча гулун поласан,
ҳеч не демай жим уёласан.
Бир жимлайиб жойим олсан —
чоғлар пайдо бўла бошлайди.

Кўз олдимда кўзинг доимо,
тушимда ҳам ўзинг доимо.
Қошинг қоқиб бир қилсанг имо
моҳлар пайдо бўла бошлайди.

Сен гўзал гул, фақат мен узсам,
лабларимда гулун май сузсам...
Хаёлимда суратинг чизсам,
"воҳ"лар пайдо бўла бошлайди.

Яна не дей, гулюз дилдорим,
тўлиб турган бу қалб — анорим
ёрмоқ учун чоғлансам борми
оғлар пайдо бўла бошлайди.



Шуълангизда рақс этдим



Тиллянисо ЭШБОЕВА

Муаллиф ҳақида:
Тиллянисо Эшбоева — Қорақўп туманида туғилган. 2016 йилда ЎзМУнинг журналистика факультетини тугатган. ЎзРФА Ўзбек тили адабиёти ва фольклори илмий институти таянч докторанти. «Дилхат», «Оловранг тугён» номли китоблари нашрдан чиққан.

Ҳамма нарса ангичу,
Мен маъхумликни яхши кўраман.
Севгилим, висол ониди ўлгим келади
Севгилим, вақтимни сотгим келар 4-5 жазманга.
Барибир кўнглимни тўлдиролмайди
Узун ҳалқа каби чўзилган
Ҳеч бўлмаса тўлсин вақт пуфаклари
Севгилим
Яшаш
Вақтни ҳар лаҳза сезиш бўлса
Мен ҳис этдим ҳар лаҳса вақтдан тўлган Зерикишни.
Севги
Лим эмас
Севги
Дунёнинг устунларини
Кулатмоқчи бўлган нафрат
Севгилим, нафратимдан бола кўрдим
Севгилим, ёнгида қолган Вақт эрур Нафрат
Севгилим, дунё устунлари Куласин.

ЎВВОЙИ МАЖОВОР

Расмингизга термилиб чиқдим тун бўйи.
Кўзёшларни бир-бир тердим нигоҳингиздан.
Шуълангизда рақс этдим.
Кафтимдан сирғалиб тушди синиқ ва тирик ҳақлар.
Мен рақс этдим.
Кулгингиздан синиб тушди борлигим.
Рақс этдим.

Дунё бизни олиб боролмаган ҳеч
Ҳаёт йўллариди сира кўрмаган
Манзилларга етди оёғим.
Мен рақс этдим.

Қиёфангиздан бир-бир тердим лаҳза борлигин —
Ўткинчилик кетди сидрилиб.
Қалбимга қоршиди лаҳза борлиги
Ёғду ва оҳ каби қоршидингиз сиз
Ой ёғдусин ураб оҳ каби чекдим.

Мен рақс этдим манзилларнинг устиди ёлғиз
Мен ёд этдим гулни, бахтни, фасли хазонни
Йўлларнинг тошига шунчаки тикдим — жонни арзонни
Сомон йўлларига сочдим сабрни — синди борлигим.
Мен рақс этдим.

Мен оҳ чекдим
Ёдингизда кулгидингизда.
Мен рақс этдим.
Кулгингиздан синди борлигим.
Мен оҳ чекдим.
Оҳким,
Оҳким,
Шуълангиздан бедор йиқилдим.

Ичимда балиқ ўйнар
Ликиллатар думини
У ташна
ташна.
Бир кун
Уч кун
Ун кун
Қирқ кун.
Ташналиқдан ўлмас балиқлар.

Ичимда балиқ ўйнар
Ликиллатар думини
Нозик ҳарир суяги билан
Парчалаб ташлайди
Ҳақиқатни у.

Ичимда балиқ ўйнар.
Кўзлари қорайган туннинг тусидир.
Елгон экан.
Уз жазавасидан ўлар балиқлар.
Барбод қилар, урар ўзини
Уз хаёлидан ўлар балиқлар.

Елгон экан.
Бир,
Уч,
Ун,
Қирқ кун.
Ташналиқдан ўлмас балиқлар.

Унинг неча йил, неча куз, неча қиш кўргани но-
маълум. Шуниси аниқки, у Отамурод ота таёқни
от қилиб, белига миниб "чу- чу"лаб, ўйнаб юрган
кўзларида ҳам шу ҳовлида, шоҳларини кенг ёйиб,
"иссиғу совуқда паноҳингизман", деб гуриллаб тур-
рди.

Гужум шоҳларига ин қур-
ган қумриларнинг нечаси пола-
пон чикаришди, даракнинг ку-
лоғига тинмай "қуқ- ку, қуқу қуқу"
"Қуримай тур, қуримагур!" —
деб сайрашади. Гужум ўша-ўша,
бола Отамурод эса, бобо Ота-
мурод бўлган! Ҳа, гужум қанча
синовларга дош берган, не-не
қуртларга таланиб, омон қол-
ган дарак бу. Отамурод ота ўй-
лаб қараса, фақат шу гужумгина
ўзгармай қолибди. Эски ҳовли,
икки қаватли бинога, боғнинг қоқ
ўртасидаги бассейнга, қўшни
боғдан ажратиб турадиган кич-
ик чеп баланд деворга айлан-
ди-қолди.

Ўтган йиллар давомида
уйида болалари, неваралари
томонидан ўтказилган "қайта
қуриш" ишларида Отамурод
ота у қилди — бу қилди, дод
деди бир амаллаб шу гужумни
сақлаб қолди. Мана ҳозир ҳам
у гужумнинг соясида ҳасса-
сига суяниб ўтирибди. Сербарг
шоҳларнинг орасидан қўши
нурлари унда-бунда қўри-
нар, баргларнинг ерга туш-
ган сояси эса бобога олиса
қолган одамларнинг қиёфа-
сини эслатиб юборади...

Ана от арава кетяпти.
Отаси отга қамчи уради. Ара-
вада онаси, синглиси, чақалоқ
укаси онасининг қўлида.
Уларнинг рўпарасида бола —
Отамурод. Арава ўйдим-чуқур
ерларда қаттиқ силкиниб
қўяр, беўхшов тебраниб бо-
ради. Онаси ноҳалтадан нон
олади. Қора кепакдан бўлган
зоғора нон, уни ўгли Отаму-
родга узатади...
Беихтиёр — ноннинг хиди
Отамурод отанинг димоғига
урилгандек бўлди. У қўлларини
онаси томон чўзганча йиғлаб
йорди...
— Айтдим-ку! Анчадан бери
шу ахвол! Бобом гоҳ қулади, гоҳ

йиғлайди. Ўзи билан ўзи гапла-
шади. Баъзан гужумни силаб
алланамалар дейди. Бунақа ке-
тиши яхшимас, дада! — мингир-
лайди Умид.
— Энди қарилқда, ўғлим.
Биз ҳам бобонгни ёшига ета-
мизми, йўқми, унда қай кўйга
тушамиз, Худо билади.
— Шу гужумда бир гап борми,
дейман, дада. Нукул шу ерда
ўтирадилар.
— Ҳа энди, кимларнидир
эслатса керак-да. Қўявер, эъти-
бор берма.
Отамурод отани чалғи-
тиш учун Умиджон ўғли Шоҳ-
жаҳонни бобосининг ёнига
олиб келди.
— Бобоси, чеварангиз билан
бирпас ўйнаб туринг.
— Мани полвон болам, ке-
лақол, бобонг билан ўтир.
— Сиз билан ўтиясам, менга
нима обясиз?
— Вой-бўй, нима обясам
экан-а?
— "Чупа чупс" обейинг!
— Сенга Хўразқанд обера-
ман.
— Нима у хўйоз..хўйоз..?
— У шундай ширин нараски...
Бай-бай...
Бобо чеварасига ўзининг бо-
лалигидаги ширинликни едир-
гиси келиб қолди.
— Абдулла, нега нева-
рангга ҳалигача хўрозқанд
олма оберамансан. Дарров
олиб берма!
Бобонинг шу кунларда бир
гапини икки қилиб бўлмайди,
"бу менинг сўнги хоҳишим
бўлса-чи, армонда қолсан-ку,
бола" дейдиган гапидан ҳам-
малари чўчишарди.
— Ҳозир топамизда, ота! Қа-
ерда сотарди-я...
— Ориф баққолга бор, ўша
ердан топсан, — деб жеркиб
беради бобо.
— Унинг ўлиб кетганига ўн



Ҳужум

беш йил бўлди-ку! — дейди ўғли
отага эшиттирмай.
— Эй болам, бобонг мана
шу гужум ёнида хўрозқанд еб
ака-укалари билан маза қилиб
ўтирарди. Лоф айттардиқ, топ-
мача айттардиқ, версақи айттар-
диқ.
— Бобо, нега бу даяхтнинг
ёнида ўтиявезсиз-а?!
— Бу ерда хазина бор, ҳеч
ким билмайди, фақат мен била-
ман. Уни сенга айтаман. Бу ерда
жуда катта хазина яширинган.
— Эйталайдагидайми?
— Ҳавво, эртақлардагидай!
— Ў, зўй! Менга шу хазинани
беясизми?
— Сенгаям, бошқаларгаям
етади.
— "Сим-сим" эшигини оч, —
дейилади ми бунгаям, бобо?
— Йўқ, Гужум-гужум, юра-
гингни оч дейсан! Сенам уни
яхши кўришингни айтсан,
кейин хазинани топсан!
— Ҳмм, тушундим, бобо!
Авалла машинанинг сигнали,
кейин темир дарвозанинг очил-
гани эшитилди. Бобонинг жи-

митдай киртайган кўзлари ўғли-
нинг барваста соясини кўриб,
қўлида бир даста хўрозқандлар
борлигини тахминлаб қувониб
кетди.
— Ориф баққолдан ол-
дингми, мунча ҳаялладинг, бир
қадам жойгаям машинада бора-
санми?
— Ота, тополмадим, ҳеч қа-
ердан тополмадим хўрозқанд-
дингизни.
Шунга мана сизларга "чупа
чупс"ни зўридан олиб келдим.
— Шунчақ дегин...
Бобо индамади. Унинг инда-
магани индаганидан ёмон эди.
— Мен дам оламан, чарча-
дим, — ҳасаса суяниб, ўрнидан
турди-да, оғир хўрсинди.
— Умиджон, ўғлингга қара
мен дадамни хонасига олиб ки-
раман.
— Хўп, дада.
— Биласизми, дада, бобом
менга катта хазинасининг сиени
айтдила. Мунчи фақат мин би-
лайканман.
— Ўххў, қанақа хазина экан?
— Ҳаммага етадиган хазина!

Эйталадагидай!
— Йў-ей, қани айт-чи, у қа-
ерда экан?
— Ҳамма гап гужумда, сиз
унга юягингизни очасиз-де, уям
сизга юягини очади! Шу хазина-
нинг калити икан. Билдиз?
— Ҳмм, шунчақ дегин! Бу ёғи
кизиқ бўлди-ку! Вой бобом-ей!..
Ичидан пишган-а...
Кеч кирди. Ҳамма ҳаво
салқин бўлгани учун ҳовли ай-
вонида эмас, ичкарида, ошхо-
нада овқатланадиган бўлишди.
Деворларига чиройли гулгоз-
лар ёпиштирилган ошхонани
ошхона эмас, меҳмонхона де-
саям бўлади.
Стал атрофида ҳамма жам.
Отамурод отани марказда тур-
ган курсиси бўш. У негадир бу-
гун ўзининг хонасида овқатлан-
гиси келди. Ўғли Абдулла ота-
сининг ёнида бирга овқатланди.
Нималарнидир айтиб қулишди-
лар. Абдулла ака отаси ухла-
ган, ҳовлига чиқиб ўтирди. Ўйга
чўмди. Кўзига ёш олди. Одатда
у онаси ҳақида гап кетса, шу
ахволга тушади. Худди ҳозир-



НОДИРА ЯНГИБОЕВА

Муаллиф ҳақида:
Нодира Янгибоева — 1987 йилда та-
валлоб топан. Урашч давлат униве-
ситетининг ўзбек филологияси фа-
культетини тугаллаган. Шеър ва ҳи-
қоялари матбуотда эълон қилинган.

гина онасидан ажраб қолган-
дай, кўзининг ичиди ёш йил-
тиллади. Кўзининг ичидидаги
дарё тошади-ю, қиргоқдан
ўтолмай, ичкаридан ирмоқ то-
пади. Бу ирмоқларда йиғилган
сувлар, бориб-бориб юракнинг
деворларини йиқмаса бўл-
гани...
— Дада, салқинда нима қил-
яписиз? Ичкарига кириш!
— Йўқ, шу ер яхши, тоза ҳаво
дегандай, шу гужумнинг ҳавоси
бошқачада. Отам бекорга бу гу-
жумга меҳр қўймаган. Ҳавосини
қара мунчи!
— Дада, шу гужумда бошқа
гап ҳам бор, шекилли. Бобом
айтардилар-ку, "мени ота-бо-
бам Хива хонининг саройида
машшоқ бўлган. Тиллалари кўп
бўлган. Қулоқ пайти олиб кетиш-
ган", деб. Ушалардан қолма-
ганмикан у ер бу ерда кўмилиб,
нима дейсиз?
— Йўғ-ей, болам, қолган
бўлса мен эшитардим. Бунақа
галларингни қўй!
— Агар топсақ, зўр иш бўлар-
ди-да! Бизнесимни ҳам кенгай-
тириб юборардим.
— Унақа хомхаёлларга бе-
рилмасдан, миянгни ишлатсанг,

ўша бизнесингиз гуллаб-яшнаб
кетади.
— Айтдим-қўйдим-да!..
Абдулла ака ўзи билан
ёлғиз қолиш учун ичкари ки-
риб кетди.
Тун қоронғусида гужумнинг
викорли гавдаси янада сирли
қуринади. Қуз рангларига бўял-
ган сарғиш-қизғиш баргларнинг
ҳар бирига битта юлдуз келиб
кўнгандай!
Умиджоннинг кўзига бу ялти-
раб турган барглар сарқ тилла
тангалардай туюлди. Қузак ша-
молида шоҳлар у ёққа бу ёққа
силкиниб: "Менинг сиримни топ-
ган борми? Пойимда ётган тил-
лаларга етган борми?" — деб
шивирлаётгандай эди.
"Умид, бу тун хазинанинг си-
рини очсан! Қани ишга кириш!
Бугун ё ҳеч қачон!" У қўлига бел-
куракни олиб гужумнинг остига
борди... Шамол гууллар, да-
рахт шоҳлари билан "хазина"
ковловчининг у ер бу ерига са-
валаб қўярди.
Тонг. Қуёш шоша-пиша нур
соқди ва инидан айрилган қуш-
ларнинг чуғур-чуғуридан ҳайрон
бўлиб, ер юзининг ҳар гўшасига
назар солди. Бир кечада қаерда
қушларни фарёд қилдиргудек
иш бўлди экан?
Отамурод оталарнинг ҳов-
лиси... Ие, гужум қани?
Шундай улкан гужумни қулат-
ган қайси дайди, телба шамол
бўлдикин? Қай нобакор, яра-
мас курт бўлди экан? Йиқилган
гужумнинг илдишлари тағида,
худди катта гўрдай, чуқур қазил-
ган хандак қолганди...
Отамурод ота ҳовли эши-
гидан ташқарига бир қадам
ташлади, қаршисидида тур-
ган вайрон манзарани кўр-
ди-ю, ҳолсизланди, уҳ тортиди,
йиқилди...
Бир ёнда қулатилган гужум,
бир ёнда жонсиз вужуд қолди...

